



ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

РЕСПУБЛИКАДАГИ ИЛГОР СУТ СОҒУВЧИ МЕХАНИЗАТОРЛАРНИНГ ВАТАНПАРВАРЛИК ТАШАББУСИ ТЎҒРИСИДА

орттирган тажрибалари билан ўртоқлашганлар, конкрет тақдирлар, маслаҳатлар, истаklar билдирганлар.

Машинада сут соғиш новаторларининг мақоласи меҳнат уюмдорлигини ошириш ва чорвачиликни янада ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ана шу тармоқда ишловчи кадрлар сафини ўрта мактаблар ва ҳунар-техника билим юрталарини битириб чиқувчи ёшлар ҳисобига ёш сут соғувчилар, механизаторлар билан тўғридаги турғисидagi чўқур гамхўрлик ҳислари билан сўғрилганлар. Бу мақола ната халқ хўжалиги

ва тарбиявий аҳамиятга эга. Илгор сут соғувчиларининг давлатга жавобан Чуст районидagi мактабларни битириб чиққан кўпгина комсомоллар ишловчи ўқувчи қўлаб-қувватлаш, ўрта мактабларни битириб чиқувчиларни чорвачилик фермаларига юбориш жазасидан қолдириш ва совхозларда зарур тадбирларни амалга ошириш, бунда шу ёшларнинг чорвачилик механизаторлари қасбини эгаллаш чорвачиликни индустриал негизга тезроқ кўчириш имконини беришнинг назарда тутиш топириди.

Область ва район партия комитетларида, Ўзбекистон КИНСМ Марказий Комитетига илгор сут соғувчи механизаторларнинг ватанпарварлик ташаббусини қўлаб-қувватлаш, ўрта мактабларни битириб чиқувчиларни чорвачилик фермаларига юбориш жазасидан қолдириш ва совхозларда зарур тадбирларни амалга ошириш, бунда шу ёшларнинг чорвачилик механизаторлари қасбини эгаллаш чорвачиликни индустриал негизга тезроқ кўчириш имконини беришнинг назарда тутиш топириди.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хў...

жалиги ва Совхозлар министрликларида, «Усельхозтехника» бирлашмасига, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳунар-техника таълим Давлат комитетига сермеҳнат жараёнлари механизациялаштиришни тезлаштириш ва фермаларга техника хизмати кўрсатишни яхшилаш жазасидан конкрет тадбирларни кўриш, чорвачилик механизаторлари малакали кадрларни, шу жумладан машина билан сут соғиш усталарини тайёрлаш вазифаси топириди.

Республика, область ва район газеталарининг редакцияларида, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети телевидение ва радиошўириши Давлат комитетига илгор сут соғувчи механизаторларнинг ватанпарварлик ташаббусини, шунингдек чорвачилик механизаторлари қасбини эгаллашга аҳд қилган комсомол-ёшларнинг ҳаракатини кенг ёритиш ва пропаганда қилиш топириди.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ САБЗАВОТКОРЛАРИНИНГ КЕНГАШИ

ҚИБРАП, (Тошкент облас-ти, 15 август. (ЎзТАГ). Бугун, Р. П. Шредер номли боғдорчилик, уюмчилик ва виночилик республика илмий-тадиқот институтида Тошкент облас-ти сабзавоткорларининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгаши Тошкент облас-ти партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов оқди.

Кенгаш қатнашчилари давлат мева ва сабзавот сотиш юзасидан олинган социалистик мажбуриятларнинг қандай ба-жарилаётганини тўғрисида Тошкент облас-ти иқроо комитетининг раиси П. Ю. Юсуповнинг докладини муҳокама қил-дилар.

Областдаги барча қолхозчи-ларга, совхоз ишчиларига, қиш-лоқ хўжалиги мухасисиларига қарата мурожаат қабул қил-линди. Бу мурожаатда саба-

вотчилик ва боғдорчилик мах-сулотлари етиштиришни қўлай-тиришни янги резервларини қидириш топишга, экинзорлар-ни ва боғларни парварши қи-лишни қўлайтиришга, сувдан самарали фойдаланишга, ком-плекс механизацияни кенг жо-рий қилишга даъват этилади.

Кенгашда КПСС Марказий Комитети Сийсий бюроси аъзо-лигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. П. Рашидов нутқ сўзлади.

Кенгаш ишида Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. Ж. Худойбердиев, Ўз-бекистон Компартияси Марка-зий Комитетининг секретари П. Р. Қурбонов, Тошкент ша-ҳар партия комитетининг бир-ринчи секретари А. А. Хўжаев иштирок этдилар.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

СССР халқ рассоми Ўрол Тансиқбоевнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида

СССР ва Ўзбекистон ССР халқ рассоми, СССР Вадий академиясининг ҳақиқий аъзо-си, Ўзбекистон ССР Олий Со-ветининг депутаты, Ҳамза но-мидаги Ўзбекистон ССР Дав-лат мукофотининг лауреати Ўрол Тансиқбоевнинг совет таъбири санъатини ривожлан-тириш соҳасидаги катта хиз-матларини назарда тутиб, унинг хотирасини абадийлашти-риш мақсадида Ўзбекистон

Компартияси Марказий Коми-тети билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қарор қил-дилар: Тошкент шаҳридаги кўчалар-нинг бирига Ўрол Тансиқбоев номи берилсин. А. Н. Островский номидаги Тошкент театр-рассомчилик институтида Ўрол Тансиқбоев номи инкита стипендия белги-лансин. Ўрол Тансиқбоев қabri ус-нига хотира лавҳаси ўрнатил-син.

ДОН—ДАВЛАТГА

Ўзбекистон ССРда галга тайёр-лашнинг бориш тўғрисида шу йил 15 августга бўлган

Table with 3 columns: Location, Value 1, Value 2. Includes rows for Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро, Тошкент, Фарғона, Жиззах, Андижон, Наманган, Сирдарё, ҚК АССР, Хоразм, and Республика бўйича.

ПЛАНЕТАМИЗДА

ОҚ УЙДА УЧРАШУВ

ВАШИНГТОН, 15 август. (ТАСС). Оқ уй вакили Ж. Терхорт матбу-от конференциясида сўзга чиқиб АҚШ президенти Ж. Форд СССР-нинг АҚШдаги элчиси А. Ф. Доб-ринини қабул қилганлигини айт-ди. Президент шу учрашувда СССР билан АҚШ ўртасидаги му-носабатларни яхшилаш йўлида ишлашга интилишини яна тасдиқ-лаб ўтди. Президент айтганидек, бу ҳар иккала мамлакатнинг ман-фаатларига, шунингдек бутун жа-миёт аъзага ҳам буюлиб тўша-ди.

АҚШ ПРЕЗИДЕНТИ Ж. ФОРД НУТҚ СЎЗЛАДИ

ВАШИНГТОН, 13 август. (ТАСС). АҚШ Президенти Жеральд Форд конгресс ҳар икки палатасининг кўшма мажлисида баёнот берди. У Қўшма Штатлар ички ва ташқи сийсатининг асосий проблемалари-га тўхталиб ўтди.

ГРЕЦИЯДАГИ АХВОЛ

АФИНА. Кипрда рўй берган можаро оқибатига Грецияда рўй берган вазият ҳамон кескинлиги-га турбди. Бу ерда қуроли куч-лар қўмондонлиги вакиллари иш-тарафда яна бир кенгаш бўлди. Кенгашда қуроли кучларнинг жанговар тайёрлигини тўғрисида ма-сала муҳокама қилинди. Туркия билан chegarаси райо-нларга кеча янги ҳарбий қисмлар юборилганлиги хабар қилинди.

КИПРДАГИ АХВОЛ

ЛОНДОН, 14 август. (ТАСС). Никозиядан олинган хабарларга қўра, Англия, Гре-ция ва Туркия таққи ишлар министрлари иштирокида Жене-вада ўтказилган музокаралар бароб бўлганлиги сўнг Кипрда ана ушбу ҳаракатлари бошла-ниб ўтди. Туркия самолётлари эрта тонгда Никозия ақиниди ҳар-бий объектларни, шунингдек пойтахт аэропорти районини бомбардмон қилганлар.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИШЛАРИ КУНДАЛИГИ

Озуқа мўллиги учун

Андижон облас-ти қолхоз ва совхозлари ем-хашак озуксини муваффақиятли суратда тайёрла-моқдалар. Бу соҳадаги план 124 процентга бажарилди. Тошкент ва Сурхондарё облас-тининг хўжалик-лари кунлик топириқини бажа-ришмоқда. Бугунги кунда респу-бликада 3.082.000 тонна дағал озу-қа (сенаж билан бирга) тайёрлан-ди. Бу планининг 80,7 проценти миқдорда озуқа тайёрланди, де-макдир.

Сўнгги ҳафтада озуқа 208 миң тонна тайёрланди, планга нисбатан 5,4 процент ўстиш бўлди. Қора-қалпоғистон АССР қолхоз ва сов-хозлари озуқа тайёрлаш суръати-ни маълум даражада оширдилар. Утган ҳафтада бу ерда йиллик планининг 12,8 проценти миқдори-да 44,3 миң тонна озуқа тайёр-ланди. Бундай суръатлар билан озуқа тайёрлаш топириқини ба-жариш учун яна тўрт ҳафта ке-рак, олинган эса, пахта янгим-те-риям мавсуми турибди. Ана шу-нинг учун ҳам суръатни жадал-лаштириш лозим.

Томди, Галлаворол, Дўстлик, Зо-мини, Ғузор, Деҳқонобод, Задарё, Наманган, Чуст, Нурота, Пастдар-гом, Гагарин, Олтинарқ, Ўзбеки-стон, Урганч районларининг хўжа-ликларида жамоат чорвачилиги озуқа билан таъминланмаган. Бу районларда мажбурият 40-60 про-центга бажарилган, холос. Об-ласт ва район партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари озуқа тайёрлаш пачини бажармаган би-ронга қолхоз ва совхоз қолмақ-лиги учун зулдиқ билан янги та-дбирларни белгилашлари ва амал-га оширишлари лозим.

Эканликда Тошкент, Сурхон-дарё, Жиззах, Андижон, Қашқа-дарё, Самарқанд облас-тиларининг хўжаликлари муҳим озуқа — сенаж бостириш планини яна оши-риб бажардилар. Республикада 1,4 миллион тонна сенаж тайёр-ланди ва яқин кунлар ичиде уни бостириш плани адо этилади. Бир-қи, Хоразм ва Фарғона облас-ти-лари, Қоракалпоғистон АССР, Туркмул, Беруний, Хўжаали, Кўнги-рот, Кегайли, Тўрақўрғон, Пис-кент, Богдоқ, Фрунзе, Кўшкўйлар, Хиша, Шовот ва қатор бошқа рай-онларнинг хўжаликлари бу қим-матли озуқани тайёрлашда орқада қолмоқдалар. Бу районлар ва хў-жаликларнинг раҳбарларига шунки эслайтиб ўтиш керакики, етарли миқдорда сенажга эга бўлмағи ту-риб, сут тайёрлашни, айниқса, қиш ойлариде уни қўлайтириш ма-саласини ҳал этиш мумкин эмас.

МАР ПРЕЗИДЕНТИ ХУЗУРИДА СУҲБАТ

ҚОҶИРА. (ТАСС). Миср Араб Республикасининг прези-денти Анвар Садат 13 август кунин совет ҳукумат делегация-сининг бошлиғи С. А. Скачков-ни қабул қилди. Улар ўртаси-да дўстона вазиятда суҳбат бў-либ ўтди.

МАР ПРЕЗИДЕНТИ БМТда ТАРҚАТИЛДИ

НЬО-НОРК. (ТАСС). СССР ва АҚШнинг БМТдаги доимий вакиллари илтизомига қўра, Москвада олий даражада ўткази-лган учинчи Совет — Аме-рика учрашуви вақтида имзо-ланган ҳужжатларнинг текта-лаш, шунингдек Совет — Аме-рика Қўшма аҳбороти Бирлашган Миллатлар Ташкилотида тар-қатилди.

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА

Илдан-йилга яшариб келаётган ҳинд ўлкасида бўлганлиги? Унинг бажаруви кўна шахарлар, динбар маданияти, бой ҳайвонот дунёси билан танишган кишининг баҳри-да янада очилди. Ҳиндистонда барпо этилган қимматбаҳо тари-хий ёдгорликларни кўриб инсон ақл-заковатига қойил қолсақ, унинг мефтункор манзараларига қараб она-табаот қудратига ва ҳассослигига яна бир қарра тан берамиз. Бундан ташқари, бу ҳа-дим ўлка битмас-туганамис ер ост-ти ҳазиналарига ҳам бойдир.

ГРЕЦИЯ НАТО ҲАРБИЙ ТАШКИЛОТИДАН ЧИҚДИ

БРИОССЕЛЬ, 14 август. (ТАСС). НАТО кенгашининг бугун бўлиб ўтган мажлисида Греция вакили сўзга чиқиб, ўз мамлакатини Шимо-лий Атлантика иттифонининг ҳар-бий ташкилотидан чиқганини расмий суратда эълон қилди.

ЎЗБЕКИСТОН БОҒЛАР МАКОНИ

Ҳақиқатан ҳам республикамиз боғлар макони, нозу неъматлар юки. «Тошкент ҳақиқати» газе-тасининг нечаги сонин ана шу ма-вузга бағишланган. Унда облас-ти сабзавоткорлари ва соҳибдорларини-нинг юбилей йилдаги социали-стик мажбуриятлари нўзга кўри-нари жойда найд этилган.



Асад — экинларни ясададиган, етилтирадиган ойди. Бунин яхши бил-ган Дўстлик районидagi Гафур Ғулом номли совхоз заршунослари 4200 гектар майдондаги ғўзаларни сувга қачқатилади, агротехника тад-бирлари асосида яхши парварши қилмоқдалар. Улар ҳар тоқчи сувдан самарали фойдаланиб, август ойида мавжуд майдонлардаги ниҳолларни камида икки марта парварши қилиш учун фидонорона меҳнат қилиш-пти. Хўжалигинин 5-бўлими пахтакорлари 435 гектар ердан 40 центнердан жиҳрон нўтаришига эҳда-паймон қилишган, бўлима олинган мажбуриятни қоплайдиган дарамада мўл ҳосил етиштирилипти. Суратда: шу бўлим бош-лиғи Абдуот Раҳимов сув тақсимлагичи ёнида. И. Чернов фотоси.

ИШСИЗЛАР КЎПАЙМОҚДА

БРИОССЕЛЬ. Бель-гиянинг 1975 йил бюджет-и юзасидан ҳукумат ло-йиҳасида солиқларнинг кўрсатиб ўтирилган, ГОР-да автомобиль санаоти ва куришдаги кризис куч-аяган, шунингдек Ир-ландия, Дания ва Бель-гияда айниқса жиндий ахвол вужудга келди.

УЗБЕКИСТОН ССР ФАНАР АКАДЕМИЯСИ ЭКОНОМИКА ИНСТИТУТИНИНГ АСПИРАНТИ

А. САХИБОВ, Ўзбекистон ССР Фанлар ака-демияси экономика институти-нинг аспиранти.

КИПРДАГИ АХВОЛ

ЛОНДОН, 14 август. (ТАСС). Англия ташқи ишлар министрли-ги бугун қуйидаги баёнотни бер-ди: «Хозирги қийин бир вазиятда кескинлигини қўлайтиришга олиб келиши мумкин бўлган ҳар қан-дай тадбир тўғрисида таассуф билдираман. Лекин биз Греция ҳамон НАТОнинг сийсий фойла-тида қатнашиш ниятида эканли-гини таъкирлашимиз».





Сирдарё области ҳафталиги

ҚУРИҚ ЕР ҚУРКИ

Бизнинг колхозимиз Сирдарё областидаги энг тунғич ҳўжаликлардан бири. У тунғичлик йилларнинг бошларида ташкил топган. Шундан сана — Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллик юбилейи ақиниллаб келаятган ҳўзирги давларда биз беҳтарроқ колхозимизнинг ўтмиши билан ҳўзирги даврини таққослаймиз.

Йўғи 2 та от-арава бор эди. Ҳўзир бўлса 35 та юк ташкич машинамиз эртаю кеч опиримизни енгиб қиялти. Уша йилларни колхозга ариза берган намбағал-деҳқонлар асосан ердан, бостирма ва қамишқабларда кўн кечиринлар эдилар. Ҳўзир бўлса... Йўғи, ҳўжалигимизнинг ҳўзирги кўрки-жамоллини, колхозчиларимизнинг ҳўзирги фаровон ҳаётини бир оғиз сўз билан йфодалаш қийин. Йўнажон партия ва ҳўкуматимизнинг оталарча гамхўрлиги тўғрисида уштан йиллар давомида коллектин ҳўжаликлар беқийс ўси, улгайди ва эндиликда улар коммунистик мўл-қўлчилик яратаятган кўдратли кулча айланмоқдалар.

Моқларини тенг ривожлантириш, колхоз экономикасини мустаҳкамлаш зарур. Ишлаб чиқаришнинг ҳамма соҳаларига механизацияни кенг жорий қилди. Меҳнатини тўғри ташкил этиш, колхозчилар ва мутахассисларнинг топширилган иш уштин масъулиятини оширишга эътиборини қўяйтирдик. Ҳаракатларини зое кетмади. Колхоз даромади йил сайин кўпайиб борди. Тўққизинчи беш йилдиникинги ўтган уш йили давомида колхозимизнинг умумий даромади 12 миллион 233 миң 513 сўмини ташкил этди. Бу планда кўзда тутилганидан 4 миллион 265 миң 288 сўм кўп демалдик. Даромадининг асосий қисмини пахтачилик ва чорвачиликдан оляимиз. Пахтачилик юксалмоқда. Сақкизинчи беш йилдинида ҳар гектар ердан 28.2 центнердан пахта олинган бўлса, 1973 йилга келиб бу кўрсаткич 35.6 центнерданга тўғри келди. Бу йил 1678 гектар ернинг ҳар гектарыдан 40 цент-

нердан ҳўсил кўтариш учун кўр-рашмоқдамиз. Сўнги йилларда чорвачилик ҳам сезиларли даражада ривожланди. Агар 1970 йилда шу соҳада олинган даромад 308 миң 531 сўмдан иборат бўлса, 1973 йилга келиб бу рақам 643 миң 730 сўмга етди. Табиийки, ҳўжалигимизнинг йиғинсодий кўдрати ошини колхоз аҳолиси турмуш маданиятини янада яхшилаш соҳасида талайгина тадбирларни амалга ошириш имконини берди. Кейинги йилларда бир қатор янги маданий-маиший ва уй-ойша объектлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ҳўзир ҳўжалигимизда 450 ўринли қишки клуб, 600 ўринли ёзи кинотеатр, йкни кутубхона, ҳаммом, чойхўна, меҳмонхона, 75 ўринли касалхона, амбулатория, 180 ўринли болалар боғчаси ишлаб турибди. Колхозимизда катта ўзгаришлар рўй беришида Ўзбекистон Компартияси Марказий Коми-

тети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Республика колхозларида хўш системасини тўғатиш ва капитал қурилишнинг қўяйтириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорини муҳим аҳамиятга эга бўлди. Қарорда ҳўжалигимиз ҳақида йкониий фикр билдирилгани зими-мамизга янада юксак масъулият юкляди. Ободчилик ва қурилиш ишлари кўламини янада кенгайтирилди. Қарор чиққандан сўнг майда қишлоқлар йириклаштирилди. 50 километр масофадаги колхоз кўчалари тузлиқ асфальтланди. Барча колхоз хонадонлари Илғичиридан нурафшон. Колхозчилар учун ҳамма қўлайликларга эга бўлган 340 та уй қуриб берди. Сўнги уч йил давомида маданий-маиший объектлар қурилиши учун ҳаммаси бўлиб 821 миң сўм сарфланди. Барча қишлоқларни гаслаштириш тадбирларини қўрашимиз. Колхозимизнинг марказий объектлар аҳолиси ҳўзир доимий табиий газдан фойдаланмоқда. Шу йил ҳўжалигимизнинг «Ленинград» участкасини, келаси йил «Богора» участкасини табиий газ билан тўла таъминлаймиз. Колхозчиларимиз фидокорона меҳнатлари эвазига бадавлат ва яхши турмуш кечирмоқдалар. Ҳўжалигимиздаги ҳар бир хо-

надонда телевизор, радиоприйёмник бор. 840 нуқтага эга бўлган колхоз радиоузели ишлаб турибди. 180 кишининг шахсий енгили автомашинаси, 240 кишининг мотоцикли бор. Аҳоли эҳтиёжини назарда тутиб, колхозимизда шахсий машиналарга техника хизмати кўрсатувчи станция қурилиши бошлаб юбордик. Қишлоғимиз яқин йилларда янада гўзал бўлади. Ҳўжалигимизда «Ўзгирросельхоз» лойиҳалаш институти томонидан тайёрланган бош план асосида кўркам посёлга қуриломоқда. У 111 гектар майдонни эгаллайди. Посёлга қурилиш учун 44 миллион сўм сарфланади ва 1985 йилгага тугалланади. Шу кўнларда қурилиш ишлари жадал сўрйада олиб бориломоқда. Қурилиши «Облхозострой» трестига қарашли 45-механизациялашган кўчма колонна ўз зими масга олган. Йил охиригача 21 та уй фойдаланишга топширилади. Бизда уй-ойша бинолари қурилиш маданий-маиший ҳамда ишлаб чиқариш объектлари қурилиши билан мувофиқ ҳўлда олиб бориломоқда. Тўрт юз қорамолта мўлжалланган чорвачилик комплекси, 6 сотувчи ишлайдиган магазин қурилиши янада яхшироқ шартларда қурилишига этай деб қўлиди. 1104 ўринли типовой мактаб ком-

плекси қурилиши бошлаб юборилди. Маданий-маиший объектлар қурилиши учун шу йилнинг ўзигадақ 747 миң сўм сарфланади. Бу объектни мабғал билан таъминлаш манбаларидан бири колхозимизда бунёд этилаётган теплица комбинати бўлади. Комбинат қурилиши тўғрисида асосий қисми тугал қилинган. Комбинат ишга туширилгач, йилга бир миллион сўмга яқин фойда олиш мумкин. Шаҳар типидagi замонавий колхоз посёлкасини бунёд этишда барча колхозчилар иштирок этишмоқда. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топганининг ярим асрлик юбилейи нишонланадиган кўтүлг йилда улар бу соҳадаги ишларини янада ажл олдириб юборишган. Биз олтин тўғрисида таъминлаш жамоллини янада кўркам қилиш ва меҳнатнашлар турмуш даражасини юксалтиришдаги улкан ўзгаришлар билан кўтиб олиш ниятидамыз. Қ. СИНДОРОВ, Сирдарё районидagi «Ленинград» колхозининг раиси, уч нарта Ленин ордени кавалери.

КАТТА МАВСУМ АРАФАСИДА

Тошкентдаги марказий «Юбилей» спорт зали. Ташарига саратон ҳавоси, аюмо муҳташам кошонанинг ичиди салқиндан одамнинг эти жузюкини. Қалин қирво тўшган ялағиллини ослатувча майбонда «А» классикинчи группа командалари Урта-сидаги навбатдаги мамлакат чемпионатига таёйрларлик кураётган «Бинокор» командаси ҳоккейчилари машғул бўлишмоқда. Команда аъзолари инкига бўлишиб, ростмана мусобадагидек шидат билан ўйнамоқдалар. «Яшайлар» командасининг беш ҳўжумчиси Сергей Доможиров моҳирлик билан ҳимоячиларни алдаб ўтди, бир зарб билан шайбани дарвозага йўнаттирди. Шу билан кўнтроль ўйини тугади. «Яшайлар» командаси 7:4 ҳисобида ғалаба қилди. Машғулот тугагач, «Бинокор» командаси бошлиғи, республика тоифасидаги судья Омон Мусоев билан суҳбатлашди.

АХБОРОТ: ЯНГИЛИКЛАР, ХАБАРЛАР

ТОШКЕНТ

Хамкорлик самараси. Меҳнат Қизил Байроқ ордени Тошкент темир йўл транспорт инженерлари институтида ҳисоблаш маркази ташкил этилди. Марказнинг бир группа олимлари москвалик ҳамкасблари билан хамкорликда иш олиб бориб, яхши натижаларни кўлга киритмоқдалар. Яқинда институт ходимларининг бир группаси москвалик олим, физика математика фанлари доктори, Ленин муфотиоти лауреати В. Г. Болъянский раҳбарлигида «Урал-12» электрон ҳисоблаш машинасига уланган ўқитув машинасининг конструкциясини яратди.

Янги маҳсулотлар. Тошкент лакбўёқ заводида 200 дан ортки хилдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариломоқда. Бу маҳсулотлар Иттифоқимиздаги наъмас, шунингдек хоржий мамлакатларда ҳам кенг шўҳрат қозонмоқда. Завод коллективни тўққизинчи беш йилдиникинги белгиловчи йилда «Кам чиким билан, кўпроқ, арзон, сифатли маҳсулот ишлаб чиқарамиз!» шiori остида меҳнат қилмоқда. А. ФОЗИЛОВ.

Мактаб ва институт

Юнусобод шаҳарининг янги ташкил этилган уй-ойша массивларидан. Бу ерда бир биридан кўркам бинолар қатори маданий-маиший объектлар ҳам қад кўтармоқда. Ҳўзиргача салкам 4 миң ўқувчига мўлжалланган учта мактабда болалар билим олаётган бўлса, янги ўқув йилидан бошлаб яна бир бинода кўнғироқ жиринглайди. 1150 ўқувчига мўлжалланган мактаб болаларни бағрига оляди. 4-қурилиш трести бинокорлари мактаб қурилишини 20 августга қадар тугалашга аҳд қилишган. Шунингдек Энгельс ва Виктор Молясов кўчалари муволишида ҳам беш қаватли бино қад ростламоқда. Янги бинога Бутуниттифоқ ижтимоий фанлар ўқитувчиларининг малака ошириш институти жойлашади. Бу ерда билимини ошириш ва мустаҳкамлаш учун барча шароитлар яратилади. Бино 260 ўринли ётоқхона, 256 кишига мўлжалланган дархона, кино залигага бўлади. С. СУЛТОНОВ.



А. Тўраев фотоси. Редактор М. ҚОРИЕВ.

Команда бу йил мавсумга таёйрларлигини ҳар қачонгидан ҳам барвақт бошлади. 15 июлда барча ҳоккейчиларимиз йиғинга тўпланилар. Бинокорлар Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллик юбилейи нишонланадиган йилда мавсумга РСФСРда хизмат кўрсатган тренер, спорт мастери Виктор Исаилович Столяров раҳбарлигида ҳўзирги кўрбонларлар. У илгари Челикчиликнинг «Транктор» командасида тренерлик қилган. Ҳоккейчилар даставада оладигандек умумий таёйрларни машғулотлари билан шўгулланадилар. Бунда паст-баланд жойларда югуриш, сувиш, тош кўтириш каби спортчиларнинг ҳар томонлама чиниктириш маишларга алоҳида эътибор берди. Август ойининг дастлабки кўнларидан бошлаб «Юбилей» спорт залида муз устида машғулотлар бошланди.

АХБОРОТ: ЯНГИЛИКЛАР, ХАБАРЛАР

ЎРИНЛИ ЭЪТИРОЗЛАР

Кумушқон дам олиш уйининг оромбахши, ёқимли ҳавоси, гўзал табииати ҳар қандай кишини ўзига мафтун этади. Шу ерда дам олаётган Калинин районлик республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи Ҳасан Аскарнов шундай дейди: «Мен Қиринда, Кавказда, марказий курортларда кўп бўлганмен. Аммо, Кумушқоннинг ёқимли ҳавосини, гўзал табииатини, марказий курортлардан қолшмайди, деб биланмен. Сабаби, Тошкентда харорат 40-42 даража бўлганда, бу ерда иссиқ 28-30 даражада бўлади. Кечалари ниҳоятда салқин... Кейинги йилларда дам олиш уйини ободлаштириш, қўқаламзорлаштириш борасида бир қатор ишлар қилинди. 50 гектарлик жойнинг атрофидаги йўллар яшил қадавор билан ўралди. 3 миң тўдан ортки манзарали дарвак, 10 миң тўдан кўп турли анвойи гул кўчати ўтказилди. Фаворелардан отилиб чиқаётган муздек сувлар дам олиш уйининг ҳавосини янада мўътадил ва мусофақо қилмоқда. Киоскадан истаган газета-журналингизни топширингиз мумкин. Ҳар куни кино кўрсатилади. Футбол ва волейбол каби спорт ўйинлари ўтказилади. Шифокорларнинг ташаббуси билан бу ерда сифат-саломатлик мактаби ташкил қилинган. Аммо, биз дам олиш уйининг фаолияти билан атрофидаги ташишганимизда, бу ердаги киши-

лар билан суҳбатлашганимизда бир қатор камчиликлар ҳам борлигини аниқладик. Дам олиш учун бу ерга келган одам, аввало, паспорти ва йўл-ламмасини кўриб қидириши керак. Лекин айрим ҳолларда келувчилар Соняя Абибуллаевадан «кой йўқи деган жавобни эшитиб, ҳўжжатларини ҳам қайтариб олишаркан. Ажаб, кўлланима бўлса-юки, жой бўлмаса, Келувчилар, албатта, С. Абибуллаевадан йўқлигидаги гапни қайта-қайта эшитириш керак. Дам олиш уйи директори билан комендантини қидиришга тушади. Дам олиш уйида 650 ўрин мавжуд. Лекин республикада курортлар бошқармасидаги ўртқолар план кетидан қувиб, суриштирмай-кетмай, июль ойига, 1100 та путовка сотишган. Бу, бир ўринга салкам иккитадан одам, деган сўз. Балки бошқарма раҳбарлари бу ёғи ёз-кў, одамлар айвонларда деб ҳодирларда ҳам ётаворлади, деб ўйлашадир. Ўзбекистон ССР курортлар бошқармасининг раҳбарлари (бошлиғи Жалилов) дам олувчиларга намунали хизмат кўрсатиш ўрнига уларни сарсон қилиб қўяётганини билишармикан? Яхшимс, бу ерда дам олаётган тошкентлик Т. П. Сухановнинг сў-

зини эшитини: — Тўрт бшли неварам билан бу ерга келиб дам олиш ўқда туриш жуда қийналиб кетдим. Уч кундан бунён айвондамыз. Бунинг устига ошхонага келиб, соатлаб зал мудири М. Асановани кутамиз. У тўғри сўзини ҳам тўқмоқ қилдиганлардан экан. Кўпчиликининг дилига озор бергати. 22 июль куни тушки овқатни соат тўртларда қилдик. Зал мудирини қидириб тополмайди. Дам олувчилардан Х. Пирматов, Г. Қўчқорова ўртқолар ҳам ошхонадаги овқатларнинг сифати пастлигидан нолиб гапиршиди. Миллий таомлар таёйрлаш яхши йўлга қўйилмаганини таъкидлашди. Маъжур дам олиш уйида ҳўзир 250 дан ошиқ бола ўз ота-оналари билан дам олмақда. Уларнинг шундай хушҳаво оромгоҳда дам олишлари кишини жуда қувонтиради. Лекин болалар учун зарур бўлган шарт-шароитлар етарли яратилмаган. Болаларни тўрт бештага бўлган айвонлар дам олиш уйига олинимайди, деган қоида мавжуд қилиш зарур. Дам олиш уйи шунини талаб қилади. Бу ерда дам олувчиларга зарур шарт-шароитларни яратиб бериш ҳақида мутахассис ташиқлотлар жиддий ўйлаб кўрадилар, деган умиддамыз. А. НАБИХУЖАЕВ, «Совет Ўзбекистони» штабсиз мўхбири. Р. ДОВУТБЕКОВ, Юкори Чирчик районидagi «Сурьат» газетасининг редактори.

ФУТБОЛ

ЛЕНИНГРАДДАГИ УЧРАШУВ

Тошкентнинг «Пахтакор» командаси футболчилари бу йилга мавсумини Ленинград эитилари билан учрашувдан бошлашган эди. Ушанда Анатолий Зинченко ўйининг биринчи минутадаги тўп киришиб, пахтакорларнинг ҳам, стадионини тўлдириб юртларини футбол ниқибозларини ҳам доғда қолдирган эди. Бу командаларнинг Ленинграддаги ўтган кўни учрашувда Зинченко яна шундай қилди. Ҳисоб тошкентлик футболчилар фойдасига 2:1 бўлиб турганида у тўп киришти. Ҳисоб командасининг ўн иккинчи дуранига орилишини таъминлади. Пахтакорчилар оша нақд ютукни бой берди, биринчи даравадигек очкини баҳам кўришга мажбур бўлдилар. Меҳмонлар ҳўжумчиси Хадипановнинг ўтган турда дам олгани билди. У учрашувнинг 34-минутида ленинградлик икки ўйинчини алдаб ўтиб, тўғри дарвозага киритди. Уйининг иккинчи ярмида ўн санкени минут мобайнида учта гол бўлди. Аввал Корченнов ҳисобини 2:0 га етказди. Аммо сал Утмай Хромченконов ҳисобига фарини қисқартирди. 73-минутда оша Зинченко теган тўп Шонатилов дарвозасига келиб тушди. 18-турдаги қолган ўйинлар куйидагича тугади: «Истиру» — «Торпедо» — 0:3, «Карпат» — «Шахтёр» — 1:1, «Спартак» — «Арсарат» — 1:0, «Днепр» — «Заря» — 0:2, «Динамо» (Т) — «Динамо» (К) — 0:0.

ЧАЙҚОВЧИ ҚЎЛГА ТУШДИ

«Ташовбувтурга» қарашли 19-пойфазал магазини одағидаги давму. Сотувчи Любовь Никитфорнова Герасимованинги кўзлари олзаарак: соддарқ одамни ахтармоқда. Шу пайт ўрта ёшлардаги бир аёл унинг ёнига қийлашди. — Синглим, сизда яхшироқ тўғиллардан топилмайдими? — Узингизгачами? — Ҳа. Ёқса синглимга ҳам олмақчиман, — дедя харидор мулоимлигини билан. — Иложини қилса бўлади-ю, ленин... — У ёғдан кўнглининг тўқ бўдсин. Очгинни айтаверинг.

Умариб қолди. Шу пайт бир чеккада сотувчининг хатти-ҳаракатини кўзатаётган ОБХС инспектори уни жиноят устида қўлга туширди. Совет савдо ходимлари шўён-харақати доғ туринган қаллоб Л. Н. Герасимова суд жавобгарлигинга тортилиши тайин. М. МАХКАМОВ, милиция ходими.

Advertisement for 'РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР' (Advertising and Announcements) featuring 'ЮБИЛЕЙ ЙИЛИДА' (On the Anniversary) and 'МОДАЛАР' (Fashion) with an image of a woman in a dress.

Advertisement for 'ТЕЛЕВИДЕНИЕ' (Television) listing programs like 'БҒУН' (Today) and 'БҒИРНИЧ ПРОГРАММА' (Evening Program).

Advertisement for 'ТЕАТР' (Theater) mentioning 'НАВОИЙ НОМЛИ ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА' (At the State Academic Great Theatre named after Navoiy).